

## **Ўзгартирилган ёзув билан бажарилган қўлёзма матнлар тадқиқотларининг хусусиятлари**

Ўзгартирилган ёзув билан бажарилган қўлёзма матнлар тадқиқотларининг хусусияти шундаки, бу турдаги барча тадқиқотлар икки босқичда амалга оширилади. Биринчидан, текширилаётган қўлёзманинг ғайриодатий тарзда бажарилганлигини аниқлаш, иккинчидан, текширилаётган қўлёзма ижрочисини ёзувига кўра идентификация қилиш босқичларидир.

Шу билан бирга, ушбу тадқиқотлар хатшунослик экспертизалари тадқиқотлари каби босқичма-босқич ўтказилади.

Дастлабки тадқиқотлар босқичининг хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

1. Терговчи (суд)нинг экспертиза тайинлаш ҳақидаги қарори (ажрими) билан танишишда, ишнинг моҳияти диққат билан ўрганилади, унда терговчи (суд)га маълум бўлган текширилаётган қўлёзманинг бажарилиш шароитлари (ташқи шароитлар, ижрочининг ҳолати, унинг ёзишдан мақсади (установкаси), ёзувни атайин ўзгартириш учун мумкин бўлган усуллар) бўйича маълумотлар кўрсатиши лозим.

2. Экспертиза тайинлаш ҳақидаги қарорда текширилаётган қўлёзманинг ғайриодатий шароитларда бажарилганлигини аниқлаш бўйича савол қўйилмаган бўлиши мумкин, шунга қарамай, ёзувнинг ғайриодатий шароитларда бажарилганлик белгиларини аниқлаган эксперт, бу саволга жавоб бериши лозим.

3. Текширилаётган қўлёзмани дастлабки тадқиқотлари ёзувни ўзгартирилганлик ҳолати мавжуд ёки йўқлигини аниқлашдан бошланади. Бунинг учун эксперт, ёзувни бажаришдаги ҳаракатларнинг тезлиги ва координацияси камайишини кўрсатувчи «классик» белгиларини билиши лозим. Бу каби белгилар аниқланганда, текширилаётган қўлёзманинг ғайриодатий тарзда бажарилганлиги бўйича эҳтимол хулоса (оралиқ синтез) қилинади. Қўлёзмани ўрганишда юқоридаги белгилар билан бирга, бошқа махсус белгилар ҳам аниқланган бўлса эксперт, текширилаётган ёзувни ўзгаришига таъсир кўрсатган у ёки бу омиллар ёки омиллар гуруҳини ҳам эҳтимол шаклда кўрсатиши мумкин.

Сўнг ёзувнинг бошқа идентификацион умумий ва хусусий белгилари ўрганилади ҳамда уларга кўра текширилаётган хулоса қилинади.

қўлёзма ижро- чисини идентификация қилиш мумкин ёки мумкин эмаслиги бўйича

4. Ўзгартирилган ёзувнинг тадқиқотларида экспертга, тахмин қилинаётган ижрочининг ёзувларидан қуйидаги икки турдаги намуналари тақдим этилиши лозим:

- ўзгартирилмаган асл ёзуви;

- текширилаётган қўлёзма бажарилган шароитларга яқин шароитда бажарилган ўзгартирилган ёзуви. Агар бундай намунани олишни имкони бўлмаса, у ҳолда тадқиқотга, тахминий ижрочининг имкони борича кўп миқдордаги турли ёзувларининг намуналари тақдим этилиши керак.

5. Ёзувдаги ситуацион белгиларни дастлабки таққослаш ва баҳолашда текширилаётган қўлёзманинг ғайриодатий тарзда бажарилганлиги тасдиқланади ёки инкор этилади, шунингдек, ёзувнинг ўзгарганлик даражаси аниқланади. Ёзувнинг идентификацион белгиларни таққослаш ва баҳолаш эса текширилаётган қўлёзма ижрочиси ёзувлари билан тадқиқотга тақдим этилган ёзув намуналарини айнанлиги бўйича эксперт тусмолини тузишга имкон беради.

Тадқиқотларинг алоҳида босқичининг хусусиятлари. Махсус адабиётларда, ўзгартирилган ёзувнинг алоҳида тадқиқотларининг тартиби бўйича икки хил қарашлар мавжуд:

биринчиси - тадқиқотлар тахминий ижрочининг ёзув намуналаридан бошланиши керак, чунки эксперт ижрочининг асл ёзуви - «норма» ҳақида тасаввурга эга бўлиши лозим;

иккинчиси - тадқиқотлар текширилаётган қўлёзмадан бошланиши керак, чунки эксперт текширилаётган қўлёзмадаги ўзгартирилганлик ва ўзгартирилмаганлик белгиларини, уларни тахминий ижрочининг намуна ёзувлари билан солиштирмасдан туриб, ўзаро ажратиб олиши керак.

Ҳар икки ҳолатда ҳам, хатшунослик экспертизасининг алоҳида тадқиқотлари ғайриодатий тарзда бажарилганлик белгиларини таҳлил қилишдан бошланади. Бунда айрим ҳолларда, масалан, текширилаётган қўлёзмани одатий қўлда эмас, бошқа қўлда ёзилган деб тусмолни илгари суришда махсус жадвал-ишланмалар тузилиши мумкин.

Алоҳида тадқиқотларнинг ушбу босқичида махсус методикалардан фойдаланиш мумкин (масалан, ёзувни атайин ўзгартирилганлик ҳолатини аниқлаш методикаси)<sup>41</sup>.

---

<sup>41</sup> Модифицированная методика установления факта намеренного изменения почерка //

Ёзувнинг идентификацион белгиларини ўрганиш хатшунослик экспертизаси методикасининг умумий қоидаларига биноан - умумийдан хусусийга ўтиш асосида амалга оширади. Ёзувнинг умумий белгиларидан ҳаракатларнинг тезлиги ва координациясига алоҳида эътибор қаратиш лозим бўлади, чунки бу белгилар «бузувчи» омилларга анча таъсирчан бўлади.

Алоҳида тадқиқотларнинг муҳим хусусияти - ситуацион белгилар (ёзувни ўзгартирилганлиги билан кузатиладиган белгилар)ни идентификацион белгилар (қўлёзма ижрочиси ёзувнинг асл («ҳақиқий») белгилари)дан аниқ ўзаро фарқлашда намоён бўлади.

Бунда ёзувнинг идентификацион белгилари ўз навбатида яна икки гуруҳга ажралади:

- а) ёзувнинг ўзгармайдиган (асл - «ҳақиқий») белгилари;
- б) ўзгарган, ижрочи ёзувини идентификация қилишга мос белгилар (ҳар бир шахсда - индивидуал бўлади).



Ўзгартирилган ёзувдаги белгиларни ўрганиш схемаси

Ёзувнинг хусусий белгиларини ўрганиш қуйидагича амалга оширилади:


- 1) ҳарфлар катталаштирилган масштабда бажарилади;
2. эксперт барча идентификацион белгиларни қизил сиёҳ билан ажратади ва уларнинг устига барқарорлик белгисини қўяди;
- 3) ёзувни ғайриодатий тарзда бажарилганлик белгилари қора ёки яшил сиёҳ билан белгиланиши мумкин.

Тахмин қилинаётган ижрочининг ўзгарган ва ўзгармаган ёзувлари алоҳида-алоҳида текширилади ва қандай белгилар ўзаради ва қайсилари ўзгармасдан қолиши аниқ белгиланади.

Применение методов исследования, основанных на вероятностном моделировании, в судебно-почерковедческой экспертизе. - М., 1976. - С. 234-279.

## Ёзувнинг хусусий белгилари жадвал-ишланмасининг лавҳаси

Алифбо ҳарфлари	Текширилаётган ёзувда	А.нинг ёзувидаги		Таққослаш ва баҳолаш натижалари
		ғайриодатий чап қўл билан	одатий ўнг қўл билан	



Албатта, хатшунослик экспертизалари учун тайёрланган «I», «Ha» ва «Hb» белгилар ушбу жадвалга киритилмайди.

Айрим ҳолларда, алоҳида тадқиқотлар босқичида, текширилаётган белгини ситуацион ёки идентификацион белгилар деб ҳисоблаш бир мунча қийинчиликлар келтириб чиқаради. Масалан, текшири- лаётган ёзув «чап қўлда бажарилган» деб тусмол қилиниб, ёзувдаги «в» ҳарфининг сатрда жойлашган элементини бажаришдаги ҳаракат- нинг ўнг айлана йўналиши аниқланганда ҳамда ушбу белги матнда икки мартадан кўп учраганда уни «негатив» деб ёки ушбу элементни бажаришда идентификацион белги деб ҳам олиш мумкин. Шу боис, алоҳида тадқиқотлар жараёнида бу каби белгиларни қўшимча белги- лаш, масалан, қизил сиёҳ билан белгилашда, унинг ёнига сўроқ бел- гисини ҳам қўйиш лозим. Бундай белгиларни аниқ фарқлаш таққос- лаш ва аниқланган белгиларни баҳолашдан сўнггина амалга оширилади.

Таққослаш тадқиқотлари босқичининг хусусиятлари. Тадқиқот- ларнинг ушбу босқичида ситуацион белгиларни ўзаро таққослаб экс- перт, текширилаётган матнинг бажарилиш шароитлари бўйича якуний хулосага келади. Сўнг таққослаш тадқиқотлари жараёнида эксперт ситуацион белгилардан идентификацион белгиларни ажратиб олиши ва қуйидагиларни ўзаро таққослаши лозим:

- а) аввало, ўзгармайдиган «асл» идентификацион белгиларни;
- б) сўнг, ўзгариши мумкин бўлган идентификацион белгиларни.

Таққослашнинг ушбу босқичида экспертнинг, умумий белгилар- да «ўзаро таққосланаётган ёзувлардаги, алоҳида умумий хусусият- ларни ҳам, айрим яхлит тузилишларни ҳам, ёзувга турли «бузувчи» омиллар таъсирида ўзгаришлари, ўхшашлиги ёки фарқланиши ёхуд

уларнинг ўзаро тўплам»ларини<sup>42</sup> ҳамда хусусий белгиларда «текширилаётган қўлёзма ва таққосланаётган намуна ёзувлардаги бир номдаги ҳарфларнинг ўхшашлик даражаси ва уларнинг бир турдаги ёзиш белгилари доирасида тақсимланганлик даражасини»<sup>43</sup> аниқлаш бўйича касбий маҳорати муҳим аҳамият касб этади.

Ўзгарган ёзув тадқиқотларида ёзув белгиларини баҳолаш хусусиятлари:

1. Ёзувнинг идентификацион белгилари мажмуига, текширилаётган қўлёзманинг ғайриодатий шароитларда бажарилганлигини билдирувчи ситуацион белгиларни киритиш мумкин эмас.

2. Тахмин қилинаётган ижрочининг ёзувидаги ўзгармайдиган «асл» белгилар идентификацион жиҳатдан энг муҳим белгилар ҳисобланади. Идентификацион жиҳатдан иккинчи ўринга ўзгарувчи идентификацион белгилар қўйилади.

Ўзаро фарқланувчи белгилар, текширилаётган матнинг бажарилишидаги ғайриодатий шароитлар билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларини расмийлаштиришнинг хусусиятлари. Эксперт хулосаси.

Хулосанинг кириш қисмида:

- тахминий ижрочининг, тадқиқотга тақдим этилган, икки хил ёзув (ўзгармайдиган ва ўзгарувчи) намуналари кўрсатилади;

- қўлёзманинг ғайриодатий шароитларда бажарилганлиги бўйича савол қўйилади.

Хулосанинг тадқиқот қисмида:

- ўзгарган ёзувнинг «классик» белгилари таърифланади ва улар асосида текширилаётган қўлёзманинг ғайриодатий шароитларда бажарилганлиги бўйича эҳтимол хулоса қилинади;

- матнга у ёки бу «бузувчи» омилнинг таъсирини кўрсатувчи «махсус» белгилар (агар матнда аниқланса) таърифланади. Бу бўйича ҳам эҳтимол шаклда хулоса қилинади.

- идентификацион тадқиқотларни ўтказиш имкониятлари бўйича хулосалар шакллантирилади.

Юқоридаги баён этилган барча уч турдаги хулосалар оралик синтезни ташкил қилади.

---

<sup>42</sup> Шаова Т. Г., Исмадова Т. И. Криминалистическое исследование рукописей, выполненных в условиях темноты // Соотношение и связи криминалистики и теории оперативно-розыскной деятельности ОВД: По материалам Всероссийской научно-практической конференции «Криминалистика и судебные экспертизы» (от 14-16 июня 1995 г.) - Краснодар, 1996. - С. 130.

<sup>43</sup> Там же. - С. 137.

- таққослаш тадқиқотларида, солиштириш айнан қандай (ўзгармайдиган ва ўзгарувчи) белгиларга кўра амалга оширилганлиги кўрсатилади;

- ижобий хулоса бериш мумкин бўлганда, ўзаро фарқланувчи белгилар, текширилаётган матнинг бажарилишидаги ғайриодатий шароитлар билан изоҳланади.

Хулосанинг якуний хулосалар қисмида текширилаётган қўл- ёзма ғайриодатий шароитларда бажарилганлиги бўйича жавоблар берилади (экспертиза тайинлаш ҳақидаги қарор (ажрим)да бу бўйича савол қўйилмаган бўлса ҳам). Хулосанинг фотожадвалида:

Агар зарурат бўлса биринчи навбатда, ғайриодатий шароитларда бажарилганлик белгиларини кўрсатган ҳолда текширилаётган қўлёзманинг лавҳаси жойлаштирилади. Бунда белгиларни кўрсатишда яшил ёки қора сиёҳ ишлатилади, белгилаш тури эса ёзувнинг хусусий белгилари гуруҳини белгилаш билан мос бўлиши лозим.

Сўнг, текширилаётган матннинг лавҳалари, тахминий ижрочининг ўзгарган ва ўзгармаган ёзуви намуналари кўрсатилади. Агар идентификацион белгилар барча турдаги ёзув намуналарида мавжуд бўлса, улар ҳамма уч турдаги ёзувларда кўрсатилади. Агар идентификацион белгилар ўзгарган ёки ўзгармаган ёзувлар лавҳаларида мавжуд бўлса, улар аниқланган лавҳаларидагина кўрсатилади.

#### **Адабиётлар рўйхати:**

1. Yugai, Lyudmila Yuryevna. "The use of biometric identification in countering crime." Berlin Studies Transnational Journal of Science and Humanities 2.1.4 Legal sciences (2022).
2. Югай, Л. Ю. "Биометрическая идентификация личности по изображению лица человека: опыт Республики Узбекистан." (2023).